АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНҚУЛОВ ОЙБЕК ТОЖИБОЕВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФОЛОГИК БИРЛИКЛАРИДА НЕЙТРАЛЛАШУВ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

УЎК: 811.512.133'232

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on Philological Sciences

Эшонқулов Ойбек Тожибоевич
Ўзбек тили морфологик бирликларида нейтраллашув.....3

Эшонқулов Ойбек Тожибоевич
Нейтрализация в морфологических единицах узбекского языка.....23

Eshonqulov Oybek Tojiboyevich
Neutralization of morphological units of the Uzbek language.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published work
Список опубликованных работ.....47

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНҚУЛОВ ОЙБЕК ТОЖИБОЕВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФОЛОГИК БИРЛИКЛАРИДА НЕЙТРАЛЛАШУВ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.Phd/Fi2424 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (rezume)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuull.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Лутфуллаева Дурдона Эсоновна** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Худойберганова Дурдона Сидиковна** филология фанлари доктори, профессор
	Хакимов Муҳаммад Хўжахонович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил "18" 01 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, e-mail: www.navoiy-uni.uz)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (244 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил "9" 01 да тарқатилди.

(2023 йил "9" 01 даги рақамли реестр баённомаси).

И.И.Адизова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Х.А.Дадабоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил сатҳи бирликларининг ички тузилишидаги умумий ўхшаш ва зидланишга асос бўлган фарқланувчи жиҳатларини аниқлаш, ўхшашликларнинг ягона белгига асосланиши, зиддиятларнинг эса бир-бирига мувофиқ келмаслик тамойили асосида юзага чиқиши қонуниятларини ўрганиш ҳар доим марказий масалалардан бири бўлиб келган. Тил сатҳи бирликларини тил-нутқ зидланишида текшириш лисоний бирликларнинг бир қарашда илғаб бўлмайдиган, фақат нутқий қўлланишда юзага чиқадиган семантик, функционал-услубий, коннотатив-прагматик хусусиятларини аниқлашга жиҳатидан долзарбдир.

Дунё тилшунослигида шу кунга қадар тил бирликларининг нутқ жараёнида юзага чиқадиган хусусиятларини аниқлашга оид турли тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо бу йўналишда ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Жумладан, ўзбек тилшунослигида морфологик сатҳ бирликлари зидланишига асос бўлган фарқли белгиларнинг муайян нутқ жараёнида нейтраллашуви масаласини текшириш назарий морфологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Диссертацияда бу муаммо турли нутқий шароитларда семантик-функционал жиҳатдан зидланиш белгисини йўқотиб, зид аъзога нисбатан зидланиш белгиси нейтраллаушви ўзбек тилидаги морфологик бирликлар мисолида таҳлил этилди. Бу ҳолат танланган мавзунинг долзарблигини асослайди.

Мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, мавқеини кўтариш борасида қабул қилинган қарор, фармойишлар, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан "Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт" [1] этиб қўйилганлиги ўзбек тилшунослигида тилимизни илмий жиҳатдан чуқур ва замонавий тадқиқ методлари асосида ўрганиш заруратини юзага келтирди. Ўзбек тилидаги морфологик бирликларнинг нутқда нейтраллашуви масаласи мана шундай ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли "Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида" фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. 258-сон.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида тил бирликларининг зидланишга асос бўлган фарқли белгиларининг муайян нутқий қўлланишда нейтраллашуви муаммоси дастлаб фонологик сатҳ доирасида текширилди. Хусусан, бу масалага илк бор функционал грамматикада Н.С.Трубецкой, кейинчалик Л.И.Богораз-Бухман, В.А.Виноградов, В.М.Бельдиян, В.К.Журавлёв; ўзбек тилшунослигида дастлаб А.Ғуломов, кейинчалик А.Нурмонов, А.Абдуазизовлар муносабат билдиришди.[2] Кейинги йилларда ўзбек тили фонемалари зидланиш белгисининг нейтраллашуви муаммоси Д.Нурмонова томонидан монографик аспектда тадқиқ этилди.[3]

Ўзбек тилшунослигида тилнинг сатҳлари, жумладан, синтактик сатҳ бирликларида кузатилувчи лингвистик нейтраллашув ҳодисаси айрим ишларда қисман таҳлил этилди,[4] аммо бу масала ҳозирги кунга қадар тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, морфологик бирликлар, яъни мустақил ва ёрдамчи сўзлар нутқда қўлланганда зидланиш белгисини йўқотиб, нейтраллашуви масаласи ҳам махсус тадқиқот объекти ҳисобланади. Бугунги кунга келиб ўзбек тилшунослигида мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг морфологик белги-хусусиятлари, семантикаси, гапдаги синтактик вазифаси, функционал-услубий жиҳатлари систем-структур аспектда махсус ўрганилган.[5] Аммо морфологик бирликлар зидланишнинг хос белгиларнинг нутқда нейтраллашуви ҳодисаси, нейтраллашувнинг ўзига хос қонуниятлари алоҳида объект сифатида тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат ўзбек тили морфологик бирликларида кузатилувчи нейтраллашув ҳодисасини тадқиқ этиш муаммосини ўртага қўяди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-

---

[2] Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1960; Богораз-Бухман Л.И. Фонологическая нейтрализация на уровне дифферентов и фонем в русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. – М., 1963; Виноградов В.А. Некоторые вопросы теории фонологических оппозиций и нейтрализации // Проблемы лингвистического анализа. Фонология. Грамматика. Лексикология. – М., 1966. – С. 13-21; Бельдиян В.М. Звуковая система современного русского языка и вопросы нейтрализации фонем: Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1968; Журавлёв В.К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций // Вопросы языкознания, 1972. – №3. – С. 36-49; Шу муаллиф. Диахроническая фонология. – М., 1986;
А.Ғуломов. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке. Научные труды ТашГУ, вып. 211. – Ташкент, 1963. – С. 45-95; Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 35-44.

[3] Нурмонова Д. Ўзбек тилида нарадигма ьъолари ўртасидаги зидланишларнинг нейтраллашуви. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – Б. 22.

[4] Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларнинг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – №6. – Б. 45-51; Шу муаллиф. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1982. – Б. 152.

[5] Қаранг: Комилова Ҳ. Ўзбек тилида сон ва олмош. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953; Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1965.

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ "Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиётини ўрганиш" мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили морфологик бирликларида лингвистик нейтраллашув ҳодисасини ёритиш, нейтраллашувни юзага келтирган омилларни белгилаш, ўзбек тилида мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг ҳар бирида нейтраллашув кузатилиши ва ўзига хослигини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари :

тил тизимининг барча сатҳ бирликларида кузатилувчи нейтраллашув ҳодисасига тавсиф бериш, унинг моҳиятини очиб бериш;

ўзбек тили морфологик сатҳида кузатиладиган зидлик муносабати, унинг турларини ёритиш;

нутқ жараёнида олмошлар зидланиш белгисининг нейтраллашуви қонуниятларини очиб бериш, нейтраллашувини юзага келтирувчи лисоний ва нолисоний омилларни белгилаш;

нутқда от, сифат, сон, феъл сўз туркумларининг транспозитив функцияси асосида нейтраллашуви масаласини ёритиш, нейтраллашувни юзага келтирувчи лисоний ва нолисоний омилларни белгилаш;

ўзбек тилида морфологик бирликлар нейтраллашуви кузатиладиган гапларнинг услубий-функционал хусусиятларини текшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нутқда нейтраллашувга учрайдиган морфологик бирликлардан олмош, от, сифат, сон, феъл ва модал сўзлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги олмош, от, сифат, сон, феъл ва модал сўздан иборат морфологик бирликларнинг нутқда нейтраллашуви хусусиятларини текшириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тавсифлаш, қиёслаш, зидлаш, трансформациялаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили морфологик бирликларида зидланиш учун асос бўлган белгининг йўқолиши ва нейтраллашуви аниқланган;

ўзбек тилидаги морфологик бирликлар нутқда қўлланганда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотиб, зидланувчи аъзога нисбатан нейтраллашуви қонуниятлари очиб берилган;

нутқда морфологик бирликлар, хусусан, олмош, от, сифат, сон, феъл ва модал сўзлар нейтраллашувининг функционал-услубий жиҳатлари очиб берилган;

ўзбек тилида от, сифат, сон, феъл сўз туркумлари мисолида транспозиция ҳодисаси морфологик нейтраллашувни юзага келтириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тил тизимининг барча сатҳ бирликларида кузатилувчи нейтраллашув ҳодисасига тавсиф берилиб, унинг моҳияти, ўзбек тили морфологик сатҳида кузатиладиган зидлик муносабати ва турлари аниқланган;

нутқ жараёнида олмошлар зидланиш белгисининг нейтраллашуви қонуниятлари аниқланган, нейтраллашувни юзага келтирувчи лисоний ва нолисоний омиллар белгиланган;

нутқда от, сифат, сон, феъл сўз туркумларининг транспозитив функцияси асосида нейтраллашуви масаласи ёритилган, ўзбек тилида морфологик бирликлар нейтраллашуви кузатиладиган гапларнинг услубий-функционал хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда ўзбек тили морфологик бирликларида зидланиш ва нейтраллашув масаласининг илмий муаммо сифатида аниқ белгиланганлиги, тўпланган далилий мисоллар асосида илмий-назарий хулосалар чиқарилганлиги, ўзбек тилидаги олмош, феъл, от, сифат, сон ва модал сўзларда нейтраллашув ходисаси нутқ вазияти, контекст ҳамда тил эгаларининг коммуникатив нияти, истак-хоҳиши билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилида морфологик бирликлар зидланиши учун асос бўлган белгининг нутқда нейтраллашуви масаласи бўйича чуқур назарий билим бериши, ўзбек тилшунослигида морфологик бирликлар бўйича яратилган мавжуд ишларни назарий жиҳатдан бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек тилининг назарий морфологиясини яратишда, олий ўқув юртлари филология факультетларида морфологик бирликлар нейтраллашуви масаласига бағишланган махсус курс ва семинарлар ўтказишда, "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Услубшунослик" фанлари бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар тайёрлашда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилида морфологик бирликлар нейтраллашуви масаласининг тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек тилидаги олмошларнинг нейтраллашуви материаллари ва натижаларидан лисоний маданиятда нейтраллашувнинг ўзига хос ўрни, лисоний бирликларнинг нутқий таъсир ўтказишдаги хусусиятларини очиб бериш, шунингдек, когнитив-прагматик фарқли бирликларининг услубий, мазмуний, вазифавий жиҳатларига оид илмий хулосалардан Андижон давлат университетида бажарилган ОТ-Ф1-18 рақамли "Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш" (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 15 августдаги 04/1-2412-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа олмошларнинг нутқда қўлланиш хусусиятлари ҳамда когнитив-прагматик фарқли бирликларининг услубий, мазмуний, вазифавий жиҳатларига доир янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

ўзбек тилида феълларнинг замон, шахс-сон шакллари муайян услуб талаби, экспрессив-эмоционалликни ифодалаш, маънони кучайтириш эҳтиёжи натижасида бири иккинчисининг ўрнида алмашиниб қўлланиши, феълларнинг нейтраллашуви хусусиятлари ҳақидаги илмий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган RZ-2020042022 рақамли "Туркий тилларнинг лингводидактик электрон

платформасини яратиш"(2021-2022 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 15 августдаги 04/1-2412-сон маълумотномаси). Натижада феъларнинг нутқда қўлланишига доир илмий-назарий, лисоний маданиятда нейтраллашувнинг ўзига хос ўрни, оммавий нутқий таъсир этиш, мулоқот жараёнининг ўзига хосликлари, лисоний бирликларнинг нутқий таъсир ўтказишдаги хусусиятларини очиб бериш, когнитив-прагматик фарқли бирликларнинг услубий, мазмуний, вазифавий жиҳатларини ўрганишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий мақола нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика, 1 та хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб ҳамда хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **"Лингвистик нейтраллашув ҳодисасининг моҳияти, ўрганилиши"** деб номланган. Биринчи бобнинг биринчи фаслида лингвистик зиддият ва нейтраллашув ҳодисасининг ўзаро алоқаси масаласи таҳлил қилинган.

Тил тизими бирликларига хос зиддият унинг яшовчанлиги ҳамда тараққиётининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Таниқли олим Н.Маҳмудов ҳақли тарзда қайд этганидек, "... тил умумий ривожининг, хусусан, маъно тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучларидан энг қудратлиси диалектик зиддият, қарама-қаршилик бўлиб, у тил сатҳларининг барчасида турли даражада кузатилади". [6]

Лисоний зиддият тил бирликларнининг муайян белгисига кўра бир-биридан фарқланиши ва шу асосда турли категориялар, гуруҳлар, синфларга бирлашувининг асосий омилларидан биридир.

Зиддиятли муносабат тил бирликларининг ўхшашлик белгиларини бутунлай йўққа чиқармайди, аксинча, тизим доирасида мустақил бирлик сифатида фаолият кўрсатишини таъминлайди.

---

[6] Маҳмудов Н. Зиддият ва лисоний бирликда маъно тараққиёти – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б.13.

Тил бирликларининг зидланиш муносабати таҳлилида баъзан зиддият учун асос бўлган белгининг йўқолиши масаласига дуч келинади. Бу ҳолат нутқда тил бирлигига муайян омилларнинг таъсир кўрсатиши натижасида юз берадики, оқибатда ўзаро зидланувчи аъзолар бири ўрнида иккинчиси эркин қўлланаверади. Бу ҳодиса тилшуносликда ***нейтраллашув*** (нейтрализация[7]) деб юритилади.

Тилшуносликка *нейтраллашув* термини (бу термин "*у ҳам, бу ҳам эмас*" маъносини англатувчи лотинча "neuter"[8]сўзидан олинган) тил бирликларини функционал аспектда ўрганувчи Прага функционал грамматикаси орқали кириб келган. *Нейтраллашув* термини дастлаб фонологияда қўлланган. Бошқа сатҳлардан фарқли ўлароқ фонологик сатҳда нейтраллашув икки фонеманинг муайян фонологик позицияда бир-биридан фарқланмаслиги сифатида тушунилади.

Тилшунослар нейтраллашув ҳодисасига турлича таъриф беришган. Н.С.Трубецкой талқинига кўра, нейтраллашув фонемаларга хос фарқловчи белгининг муайян позицияда йўқолиши, аммо бошқа позицияларда фарқнинг сақланишидир. Бу қарашга кўра нейтраллашув бир-биридан фарқли белгига эга ўхшаш бирликлар муносабатида кузатилади.[9] М.В.Панов ҳам шу каби хулосани баён қилган. Унинг фикрича, нейтраллашув тил бирликларининг бирор аниқ позицияда фарқланмаслиги, бошқа синтактик позицияда эса фарқланишидир.[10]

В.Г.Руделевнинг талқинича, нейтраллашув зиддиятнинг нафақат мақбул кўрсаткичи (у нейтраллашувни зиддиятнинг ягона кўрсаткичи ҳисоблаш мумкинлигини ҳам қайд этган), балки унинг шаклланиши омили ҳамдир. [11]

А.Бердиалиев, З.Абдуалиевалар нейтраллашувни тил тизими бирликлари ўртасидаги зидликнинг позицион жиҳатдан олиб ташланишидир, деб ҳисоблайдилар.[12]

Н.П.Душинанинг қайд этишича, нейтраллашувда тил бирликлари миқдори биттага камаяди, демак, бу вақтда нутқнинг тезлиги ошади. Айнан шу вазиятда нейтраллашувнинг бир белгиси – синонимиянинг қисқариши кузатилади, яъни нейтраллашувчи феъл ва ядро лексема битта феълдан иборат бирлик ҳисобланади. Нейтраллашувнинг янада муҳим белгиси – омонимик шаклнинг кўпайиши ўта муҳим бўлиб, у нейтраллашувнинг кўрсаткичи саналади. [13]

Англашиладики, нейтраллашув тил бирликларининг вазифа имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади. Бошқача айтганда, нейтраллашув ҳодисаси негизида тил бирликларига функционал ёндашув ётади. Нейтраллашувда тил

---

[7] Шипилова Е.А. Нейтрализация в системе простого и сложного предложений // Вестник ТГУ, вып. 10 (54). 2007. – С. 63.

[8] http://omop.su/ruwiki/103/5449.php

[9] Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Издательство иност. лит. 1960. – С. 371.

[10] Панов М.В. Позиционная морфология русского языка. – М.: Школа языки русской культуры, 1999. – С. 174.

[11] Руделев В.Г. Собрание сочинений в 6-и т. Т. 6. Друг мой – язык. Избр. произв. по общему и русскому языкознанию. – Ч.1. – Тамбов: Изд-во ТГУ, 2002. – С. 165-166.

[12] Бердиалиев А., Абдуалиева З.У. Функционирование нейтрализации в семантической микроструктуре эквонимов-гипонимов (на материале отдельных названий со значением «животное» в русском и узбекском языках) // arch.kyrlibnet.kg/ ?& npage =download&nadd=60

[13] Душина Н.П. Явление контекстной нейтрализации каузативного и татального глаголов / http://do.gendocs.ru/docs/index-332281.html

бирлигига хос белгининг йўқолиши ҳисобига зидланишлар сонининг фақат маълум бир муддатга қисқариши кузатилади. Аммо бу жараёнда ҳосил бўлган омонимик ва синонимик ҳолатларнинг ҳар қандай нутқ шароитида эмас, фақат муайян нутқий вазиятда шаклланиши, нутқий вазиятдан ташқарида уларга йўл бекилиши нейтраллашув оқибатида юзага келадиган омонимия ва синонимияни тилга хос лисоний ҳодисалар эмаслигини кўрсатади.

Нейтраллашув "ўз-ўзидан" содир бўладиган ҳодиса эмас. Унинг юз беришида тил бирликларининг нутқдаги позицияси, бир-бирига таъсири (фонологик сатҳда), нутқ вазияти, контекст, мулоқот талаби, тил эгасининг коммуникатив мақсади, истак-хоҳиши каби лисоний ва нолисоний омиллар муҳим ўрин тутади. М.В.Пановнинг фикрича, тилдаги айрим бирликлар нутқда турли вазифа бажариши мумкин. Сўзларда грамматик маъноси асосида аниқ бир сўз туркуми ва бошқа бир сўз туркумига мувофиқ келадиган қисмлар бўлиши мумкин.[14] Албатта, сўзларга хос бу хусусият нутқда уларнинг синтактик позициясида юзага чиқади. Ушбу ҳолат ҳам нейтраллашувни юзага келтирувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Д.Набиева ва Д.Нурмонованинг эътироф этишича, "Тил системасидаги фонемаларнинг нутқ жараёнида фарқловчи белгиларининг мўътадиллашиши натижасида фарқланиш хусусиятининг йўқотишини ҳам нутқдаги "тартибсизликлар" билан изоҳлаш мумкин".[15]

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб нейтраллашув ҳодисаси лексик, морфологик, синтактик сатҳ доирасида ўрганила бошланди. Тилнинг турли сатҳларида зиддият ўзаро фарқланар экан, нейтраллашув ҳодисаси ҳам ҳар бир сатҳда фарқли жиҳатларга эга бўлади. Албатта, фонологик сатҳдаги нейтраллашув лексик ва грамматик сатҳда юз берадиган нейтраллашувдан моҳиятан фарқ қилади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **"Лингвистик нейтраллашув турлари: синтактик нейтраллашув ҳақидаги қарашлар"** деб номланган. Ўзбек тилшунослигида фонетик нейтраллашув муаммоси махсус тадқиқ этилган. [16] Морфологик сатҳда кузатиладиган нейтраллашув диссертациянинг кейинги бобларида ёритилган. Шу боис ушбу фаслда содда ва қўшма гапларда кузатиладиган нейтраллашув ҳодисаси ёритилган.

Синтактик сатҳда нейтраллашув муаммосининг ўрганилиши сўз бирикмаси ва гапнинг нутқ жараёнида кузатиладиган мазмуний тузилишидаги ўзгаришларни очиб беришда, бу бирликларнинг мазмуни ёки шакли билан боғлиқ ҳолда нутқда нейтраллашуви, унинг ўзига хос қонуниятлари, нейтраллашувни юзага келтирган лисоний ва нолисоний омилларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Д.Нурмонова қайд этганидек, "Синтагматикада мўътадиллашув ҳодисасининг ўрганилиши тил системасидаги икки лисоний моҳиятнинг нутқ жараёнида бир хил тазоҳирланишини, бир хил

---

[14] Панов М.В. Труды по общему языкознанию и русскому языку. – М.: Языки слаянской культуры, 2004. Т.1. – С. 41.

[15] Набиева Д., Нурмонова Д. Ўзбек тилида ундошлар мўътадиллашувига синергетик ёндашув // Филологиянинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 1-китоб. – Қўқон, 2020. – Б. 16-17.

[16] Нурмонова Д. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. –Б. 22

тазоҳирланаётган лисоний ҳодисанинг қайси зотнинг (инвариантнинг) вакили эканлигини очишда муҳим аҳамиятга эга". [17]

Нутқда синтактик нейтраллашув шаклий-мазмуний асимметрия билан боғлиқ ҳолда юз беради. Синтактик сатҳда ортиқчалик, тежамлилик тамойилларининг амал қилиши шаклий-мазмуний асимметрияни юзага келтириш билан бирга, синтактик бирликларнинг нейтраллашувига ҳам сабаб бўлади.

А.Нурмоновнинг фикрича, юқори сатҳда оппозиция аъзоларининг мазмуни бир хил бўлиб қолиши грамматик оппозиция нейтраллашуви деб қаралиши лозим. Чунки оппозиция аъзолари мазмунан оппозициядан чиқиб, ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлган бир семантик парадигмани ҳосил қилади. Бу вақтда оппозиция аъзоларидан бири транспозитив ҳолатда қўлланган бўлади."[18] Демак, синтактик нейтраллашувда зидланувчи аъзолардан бири доимий белгисини йўқотади ва зид аъзо билан эркин алмашиниб қўллана оладиган бирликка айланади.

Синтактик нейтраллашув содда гапларнинг барча тури учун бирдай хос хусусият эмас. Нейтраллашувнинг бу тури, айниқса, риторик сўроқ гапларда, тасдиқ-инкор гапларда, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи ўрамли содда гапларда яққол кўзга ташланади. Диссертацияда бундай нейтраллашув кўринишлари тўлиқ очиб берилди.

Синтактик сатҳда қўшма гапларда ҳам нейтраллашув кузатилади. Н.Маҳмудов эргашган қўшма гаплардаги нейтраллашувни қуйидагича изоҳлайди: "Шуниси ҳам табиийки, модус ифодаловчи тизим ихчамлашишга мойил бўлади. Буни яхлит гапда денотатив воқеага қараганда модуснинг номуҳимлиги билан изоҳлаш мумкин. Ана шу номуҳимлик, аслида, тегишли сўз шаклларидаги маънолларнинг («шарт», «пайт» каби) кучсизланишига ёки нейтраллашишига олиб келади. Бу нейтраллашув кўпгина эргаш гапли қўшма гапларда жуда аниқ бўлади."[19]

Демак, нутқ жараёнида қўшма гап таркибидаги эргаш гапларнинг модусни ифодалашга ўтиши улардаги шарт, пайт каби мазмун муносабатларининг йўқолишига сабаб бўлади. Бу ҳолат нафақат гапда акс этган мазмуний муносабатларга таъсир кўрсатади, балки эргаш гап ўз моҳиятини йўқотади ва кириш қурилмага яқинлашади. Шаклан қўшма гап семантик жиҳатдан мураккаблашган содда гапга айланади.

Диссертацияда эргашган қўшма гапларнинг ҳавола бўлакли бошқа турларида кузатилувчи нейтраллашув ҳам ўрганилган.

Бобнинг сўнгги фасли **"Тилшуносликда морфологик нейтраллашув муаммосининг ўрганилиши"** деб номланган. Ўтган асрда тилшуносликда лексик, морфологик, синтактик бирликлар муносабатида кузатилувчи

---

[17] Нурмонова Д. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг муўтадиллашуви: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 14.

[18] Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозиция-ларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – №1. – Б. 50.

[19] Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 80-81.

нейтраллашув ҳодисасинни ўрганишга эътибор қаратила бошланди.[20] Шунга қарамай, нейтраллашув ҳодисасининг ҳар бир сатҳ бирлигидаги моҳияти ҳанузгача тўлиқ аниқланган эмас.

Морфологик нейтраллашув ҳақидаги назарияларнинг шаклланишида рус олими В.К.Журавлёвнинг хизмати катта. У диахрон фонология тамойилларини морфологияга олиб кирди. Тилда содир бўладиган морфологик ўзгаришларга нисбатан *морфологик нейтраллашув (морфологическая нейтрализация)* терминини киритди. [21]

В.К.Журавлёвнинг фикрича, фонологик, морфологик ва бошқа зиддиятлар нейтраллашувнинг кучайиши ва кучсизланиши механизмига асосланади. У рус адабий тилида жинс корреляциясининг нейтраллашувини қуйидагича кўрсатади: "он ~ она ~ оно → они"; "вода ~ год → воды, годы... водах, годах".[22]

Рус тилшунослигида морфологик нейтраллашув дастлаб рус тилидаги феъл сўз туркуми доирасида тадқиқ этилди. Э.М.Попованинг номзодлик диссертациясида ҳаракат ифодаловчи феъларда нейтраллашув масаласи ўрганилди.[23] Ю.В.Филимонова морфологик нейтраллашувни рус тилидаги вид категорияси мисолида текширди.[24] Е.Кржижкова, Г.П.Васильева, Р.П.Афанасьева, О.Лазарева, Н.С.Минина ва бошқалар томонидан грамматик сон, феълнинг замон шакллари, отнинг кўплик шакли, *один* ва *всё* сўзларининг нутқ вазияти, контекстга кўра нейтраллашуви очиб берилди. [25]

---

[20] Martinet A. La notion de neutralisation dans la morphologie et le lexique II Travaux de l'Institut de linguistique 2. – Paris: Librairie C. Klincksieck, 1957. – P. 21-76; Kurylowicz J. A propos de la neutralisation dans la morphologie // Martinet A. La notion de neutralisation dans la morphologie et la lexique. – Paris: Librairie C. Klincksieck, 1957. – P. 60-64; Булыгина Т. В. О нейтрализации семантических оппозиций / Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. – М.: Наука, 1969. – С. 310-316; Брагина А. А. Нейтрализация на лексическом уровне // Вопросы языкознания. – М., 1977. – № 4. – С. 61-71; Крылова Е. В. Грамматические оппозиции в системе форм на в современном английском языке и их нейтрализация: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1978. – 20 с.; Попова Э.М. Нейтрализация семантических противопоставлений в системе способов глагольного действия: Дисс. ... канд. филол. наук. – Симферополь, 1980. – 168 с.; Носова И. К. Нейтрализация оппозиции адъективного класса в современном русском языке / Теория нейтрализации. – Тамбов, 1980. – С. 70-81; Петрянкина В. И. К вопросу об интонационных единицах и их нейтрализации / Функциональная просодия текста. Вып. 201. – М.: МГПИИЯ, 1982. – С. 167-179; Душина Н.П. Явление контекстной нейтрализации каузативного и статального глаголов. http://do.gendocs.ru/docs/index-332281.xtml ва бошқалар.

[21] Журавлёв В.К. Понятие силы нейтрализации // Вопросы филологии. – М., 1974. – С. 59-61; Журавлев В.К. Нейтрализация // Лингвистический энциклопедический словарь Под ред. В.Н. Ярцевой. – М.: Большая российская энциклопедия, 2002. – С. 328-329.

[22] Журавлев В.К. Нейтрализация, Лингвистический энциклопедический словарь / Под ред. В.Н. Ярцевой. – М.: Большая российская энциклопедия, 2002. – С. 328-329.

[23] Попова Э. М. Нейтрализация семантических противопоставлений в системе способов глагольного действия: Дисс. ... канд. филол. наук. – Симферополь, 1980. – С. 168.

[24] Филимонова Ю.В. Системное исследование нейтрализации как явления языковой нормы в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ярославль, 2000// http://cheloveknauka.com/sistemnoe-issledovanie-neytralizacii-kak-yavleniya-yazykovoy - normy-v-sovremennom-russkom-yazyke# ixzz4Y1qGHW4N

[25] Кржижкова Е. Понятие нейтрализации в морфологии // Языкознание в Чехословакии. – М.: Прогресс, 1978. – С. 119-133; Васильева Г. П. Грамматический статус категории времени русского глагола и процесс нейтрализации оппозиции прошедшее-непрошедшее // Теория нейтрализации. – Тамбов, 1980. – С. 65-69; Афанасьева Р.П. Процессы нейтрализации в семантико-грамматических классах глагола // Теория нейтрализации. –Тамбов, 1980. – С. 46-53; Минина Н. С. Поэтическая актуализация и нейтрализация частеречных значений (на материале слов один и всё) // Русская филология. – М., 2013. – № 1-2. – С. 35-39. http://nbuv.gov.ua/UJRN/rfuv_2013_1-2_; Лазарева О. Специфика нейтрализации числового значения форм имен существительных в русском и испанском языках // Филологические науки. Вопросы теории и практики, – М., 2014, – № 2 (32) часть 2. – С. 117-120.

Ўзбек тилшунослигида тилнинг бошқа сатҳ бирликлари зидланишида кузатилувчи нейтраллашув ҳодисасига қисман муносабат билдирилган.[26] А.Нурмонов нейтраллашув ҳодисасини айрим синтактик бирликлар, хусусан, тасдиқ ва инкор гаплар мисолида таҳлил қилди.[27] Ўзбек тилидаги олмошларнинг нейтраллашуви Д. Лутфуллаева, О. Муродуллаева мақолаларида ёритилди.[28] Аммо тилшунослигимизда тил бирликлари фарқли белгисининг муайян нутқ вазиятида нейтраллашуви масаласи морфологик сатҳ бирликлари доирасида махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби **"Ўзбек тили олмошларида нейтраллашув"** деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи фаслида шахс ва нарса-предметга ишора қилувчи олмошлар нейтраллашуви таҳлил қилинган.

Ўзбек тилидаги олмошлар муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотиб нейтраллашади ҳамда зидланишдаги олмош билан эркин алмашиниб қўллана олиш хусусиятига эга бўлади. Олмошларнинг ўзаро зидланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади: 1) олмошлар зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади, аммо зидланувчи аъзо билан бир хил функционал-семантик қийматга эга бўлмайди; 2) олмошлар зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади ва зидланувчи аъзо билан бир хил функционал-семантик қийматга эга бўлиб қолади.[29]

Биринчи ҳолатда олмошнинг зидланиш учун асос бўлган бирламчи фарқловчи белгиси йўқолади, аммо бунинг натижасида зидланувчи аъзо билан бир хил функционал-семантик қийматга эга бўлиб қолмайди. Олмошнинг нутқда ҳосил бўлган иккиламчи белгиси зидланувчи аъзо билан эркин алмашиниб қўлланишига имкон бермайди. Масалан, *«Мана, уруш бошланганига ҳам бир йилдан ошди...»* (Ғ. Ғулом) гапида қўлланган *мана* олмоши модал маъно касб этганлиги сабабли *ана, ана шу, ўша, шундай, шунча...* кўрсатиш олмошлари билан зидланиш белгисини йўқотган, аммо улар билан бир хил функционал-семантик қийматга эга бўлиб қолмайди. Шу сабабли ушбу гапда *мана* олмоши зиддиятдаги олмошлар билан эркин алмашиниб қўллана олмайди.

Иккинчи ҳолатда олмошнинг зидланиши учун асос бўлган бирламчи фарқловчи белгиси йўқолиб, нейтраллашади ва зидланувчи аъзо билан тенг семантик-функционал қийматга эга бўлади. Бундай ҳолатда олмош зидланишдаги олмош билан эркин алмашиниб қўллана олади. Қиёсланг: *Бугун **ҳеч ким** борадими? - Бугун **кимдир** (биров, бирон кимса) борадими?*

---

[26] Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – №6. – Б. 45-51; Шу муаллиф. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 152.

[27] Нурмонов А. Кўрсатилган мақола, – Б. 47-51.

[28] Муродуллаева О. Ўзбек тилида олмошлар муўтадиллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б.78-79; Шу муаллиф. Олмошлар парадигмаси аъзолари зидланишида муўтадиллашув // Фан ва таълим. 2010. – Б.105-107; Лутфуллаева Д. Ўзбек тили морфологик бирликларида лингвистик нейтраллашув М.Аскарова ва ўзбек тилшунослиги масалалари. (Профессор М.Аскарова таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, ТДПУ, 2014. – Б. 58-62.

[29] Муродуллаева О. Ўзбек тилида олмошлар муўтадиллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б. 78-79.

Нейтраллашув ўзбек тили олмошларига бирдай хос хусусият эмас. Бу ҳодиса олмошлар парадигмаси аъзоларининг ички маъно турлари ҳамда олмошлар парадигмаси турли аъзолари муносабатида қайд этилади.

Ўзбек тилида шахсларга ишора қилиш белгиси кишилик олмоши (*мен, сен, у*...), эгалик қўшимчаларини қабул қилган ўзлик олмоши (*ўзим, ўзинг*...) белгилаш (*ҳар ким, ҳамма*...), бўлишсизлик (*ҳеч ким*), кўрсатиш (*у, шу, ўша, анави*...), сўроқ (*ким*), гумон олмошлари (*аллаким, кимдир...)* га хос умумий белгидир. Аммо қандай шахсга ишора қилиши жиҳатидан бу олмошлар фарқли белгиларини намоён қилади ва мана шу фарқловчи белгиси асосида зидланиш муносабатига киришади.

Биз олмоши кўчма маънода камтарлик, манманлик, мақтаниш ёки ғурурланиш, ғўдайиш кабиларни ифода этиб, биринчи шахс бирликдаги *мен* олмоши ўрнида қўлланганда, шахснинг сонига ишораси жиҳатидан бу олмош билан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: – *Оға, мана бу* ***бизнинг*** *Полвон акамиз бўладилар, ўзлари қўқонлик, атайлаб мени деб келган меҳмон.* (Ғ.Ғулом.)

Ўзи олмоши гапда модал маънони ифодалаб келганда, шахс ва унинг сонига ишораси жиҳатидан ўзаро зидланишдаги *ўзим, ўзинг, ўзимиз, ўзингиз, ўзлари* олмошларига нисбатан зидлик белгисини йўқотади. *Ўзлари* олмоши кўчма маънода кесатиқни ифода этиб, иккинчи шахс бирликдаги *ўзинг* олмоши ўрнида келганда, шахснинг сонига ишораси жиҳатидан бу олмошга нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: *Гапни* ***ўзларидан*** *бошласак, Ажойиб домла.* (Э.Аъзам)

Нарса-предметларга ишора қилувчи *у, ўша, ана, мана* кўрсатиш олмошлари ҳам баъзан парадигма аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Бу ҳолат ушбу олмошларнинг нарса-предметга ишора қилиш вазифасидан узоқлашиб, иккиламчи вазифада қўлланиши натижасида юз беради. Масалан: – ***Шу*** *десангиз, укагинам, оёқни мазаси йўқ.* (С. Аҳмад). *Лекин,* ***буни қарангки****, на қабул – танишув чоғи, на суратга тушиш маросими мобайнида йўталибман-а!* (Э. Аъзам)

Хуллас, шахс ва нарса-предметга ишора қилувчи олмошлар нейтраллашуви контекст ва нутқ вазияти асосида юзага чиқади. Бунга олмошларнинг нутқда иккиламчи вазифада қўлланиши сабаб бўлади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли "**Белги ва миқдорга ишора қилувчи олмошларда нейтраллашув**" деб номланган.

Белгига ишораси жиҳатидан ўзбек тилидаги кўрсатиш (*шундай, бундай*...), белгилаш (*ҳар қандай*...), бўлишсизлик (*ҳеч қандай, ҳеч қанақа*), гумон (*аллақандай, қандайдир*...), сўроқ олмошлари (*қандай, қанақа, қайси*) бир парадигмага бирлашади.

Нутқда қўлланган *шундай (шундоқ, шунақа), бундай (бунақа, бундоқ, бундақа), ундай (унақа), ўшандай (ўшанақа, ўшандоқ), мана бундай (мана бунақа), ана ундай (ана унақа), мана шундай (мана шунақа)* кўрсатиш олмошлари яқин ёки узоқ масофадаги нарса-предмет белгисига ишора қилиши жиҳатидан зидланади ва нутқда бу белгисини йўқотиши мумкин. Масалан, *Жон укам,* ***ундай*** *қилманг. Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг.* (С.Аҳмад) гапида

қўлланган *ундай* олмоши ҳаракатни ифодалаб, белгига нисбатан қўлланувчи олмошлар билан зидланиш белгисини йўқотган.

Диссертацияда *қандай, ҳеч қандай, ҳар қандай, ҳар қанақа, қайси, қандайдир* олмошларининг нейтраллашуви ва зидланишдаги олмошлар билан эркин билан алмашиниб қўлланиши мисоллар таҳлили орқали очиб берилган. Қиёсланг: ***Қандай*** *унга рухсат бердингиз, устоз?* – ***Нима учун (нимага, нима сабабдан)*** *унга рухсат бердингиз, устоз?*

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек тилидаги айрим миқдорга ишора қилувчи олмошлар нутқда иккиламчи вазифада қўлланган ҳолатларда зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли "**Ўрин, пайт ва ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар нейтраллашуви**" деб номланган.

Ўзбек тилида қуйидаги олмошлар ўринга ишора қилиш белгисига эга: белгилаш (*ҳар ерга...*), бўлишсизлик (*ҳеч ерга...*), гумон (*аллақаерга...*), сўроқ (*қаерга..., қани, қайси*) олмошлари. Бу олмошларнинг зидланишида ҳам икки ҳолатни фарқлаш мумкин: а) олмошлар зидланиш белгисини йўқотади, аммо зидланувчи аъзо билан эркин алмашиниб қўлланмайди; б) олмошлар зидланиш белгисини йўқотиб, зидланувчи аъзо билан эркин алмашиниб қўлланадиган бўлиб қолади.

Биринчи турдаги зиддият ва нейтраллашув ўринга ишора қилувчи қуйидаги олмошларда кузатилади: сўроқ орқали номаълум ўринга ишора қилувчи *қани, қаёқда, қаерда* сўроқ олмошлари. Бундай олмошлар нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади, аммо зидланувчи аъзо билан эркин алмашиниб қўлланмайди.

Қани сўроқ олмоши модал маъно ифодалаб келганда номаълум ўринга ишораси жиҳатидан фаркли белгисини йўқотади. Масалан, ***Қани****, болалар сафга туринг* гапида *қани* сўроқ олмоши иккиламчи вазифада қўлланган.

Қаёқда сўроқ олмоши сўз-гап вазифасида қўлланганда зидланишга асос бўлган белгисини йўқотади. Масалан: *Бу гапдан хабаринг борми?* – ***Қаёқда***. Ушбу гапда *қаёқда* сўроқ олмоши сўз-гап вазифасида қўлланган ва парадигма аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотган.

Хуллас, олмошларда зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгининг йўқолиши ва зидланувчи аъзо билан бир хил семантик-функционал қийматга эга бўлиб қолиши натижасида нейтраллашув юз беради.

Диссертациянинг учинчи боби **"Феъл, от, сифат, сон ва модал сўзларда нейтраллашув"** деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида феъларнинг равишдош шаклларида нейтраллашув таҳлил қилинган.

Ўзбек тилида феъларнинг замон, шахс-сон шакллари муайян услуб талаби, экспрессив-эмоционалликни ифодалаш, маънони кучайтириш эҳтиёжи натижасида бири иккинчисининг ўрнида алмашиниб қўлланиши ёки феъллар отлашиб, от ўрнида келган ҳолатларда, модал маъно ифодалашда ишлатилганда, кўмакчи вазифасида келганда ва бошқа ҳолатларда ўз тизими доирасидан чиқиб, зидланиш белгисини йўқотиши мумкин. Бундай ҳолатларда феъларнинг нейтраллашуви хусусида гапириш мумкин бўлади. Шунингдек, феъллар бўлишли-бўлишсизлик белгиси асосида зидланганда ҳам зидланиш

белгисини йўқотиб, нейтраллашуви мумкин. Диссертациянинг ҳамжмини инобатга олиб, тадқиқотда бўлишсиз феъларнинг нейтраллашуви масаласи ёритилди.

Ўзбек тилшунослигида феъларнинг нейтраллашуви масаласига А.Нурмонов муносабат билдириб ўтган. Унинг фикрича, равишдошнинг *-б (-иб) – -май, -б (-иб) – -масдан , -гунча– -магунча* шакллари оппозицияни ҳосил қилади. Айрим ҳолларда оппозиция аъзоларидаги ана шундай доимий муносабат бузилиши мумкин. Бу вақтда тасдиқ ва инкор қаторга мансуб аъзоларда оппозитив белги йўқолиб, бир тасдиқ мазмун атрофида бирлашади ва мазмунан бир парадигмани ҳосил қилади. Тасдиқ ва инкор қаторлар ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлади.[30]

Дарҳақиқат, ўзбек тилида равишдошнинг *-магунча, -май, - масдан* бўлишсиз шакллари бўлишли шаклларига нисбатан зидланишга асос бўлган белгисини йўқотиб, нейтраллашиши мумкин. Масалан, *Ўққа* ***учрамай*** *қолишингни ўйлаб, Худо деб юрасан* (А.Карим) гапида қўлланган *учрамай* равишдоши бўлишли шаклдаги *учраб* равишдоши билан гапда инкор-тасдиқни ифодалашига кўра ўзаро зидланади, бироқ бу гапда бундай зидлик муносабати юзага чиқмайди. *Учрамай* равишдоши бўлишсиз шаклда бўлса-да, гапда тасдиқ маъноси ифодаланади. Бу ҳолат ушбу равишдошнинг *учраб* равишдошига нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб, у билан эркин алмашиниб қўллана олишини англатади.

